

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ MO 3-32
2017 йил "14" 08



Ижтимоий-гуманитар фанлар (Фуқаролик жамияти, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти) йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент–2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2017 йил 18 августдаги 4 – сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида
жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаххарова.
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг
қонунчилик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев,
ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.
“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик
компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.
М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.
“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,
касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули: ф.м.ф.н., доц.
Х.Холмедов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиёва,
ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.
“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар. У.Гиясова,
Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи
мутахассислари.
“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва
қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д.,
проф. Р.Самаров, п.с.ф.н., доц. Х.М.Алимов, ф.м.ф.н., доц.
А.З.Каримов.
Махсус фанлар бўйича: ф.ф.н., доц. А.Ўтамуродов, сиёс.ф.д.
А.Муминов, сиёс.ф.д. А.Жалилов.

Тақризчилар: с.ф.д. Ф.Равшанов, т.ф.н., доц. О.Мусаев

Ўқув дастури ЎзМУ Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган
(2017 йил 28 июндаги 10 - сонли баённома).

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. **Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.**

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. **Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши.**

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари

5.2. **Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил.**

VI. Махсус фанлар

6.1. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий концепцияси.

6.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши.

6.3. **Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси.**

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Фуқаролик жамияти. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Фуқаролик жамияти. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиш тўғрисидаги тарихий парадигмалар ва замонавий концепцияларини;

- демократик жамият тўғрисида назарий билимлар ва уларнинг Ўзбекистонда қўлланилишини;

- демократик жамият куришнинг назарий методологик асосларини;
демократик жамиятнинг мазмун моҳиятини;

- ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёни хақида, жамиятнинг социал маданий тараққиёти тўғрисида, халқимизда маданий, ижтимоий, сиёсий тасаввурлар шаклланиши ва тараққиёти, демократик бошқарув стратегияси ва этикасини;

- демократик тараққиётнинг “Ўзбек модели”, “кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойили моҳиятини;

- фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишини;

- сиёсий модернизация ва унинг асосий босқичларини;

- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш тўғрисида, демократик давлат бошқарув назарияси бўйича тасаввурга эга бўлиши ва давлат ҳокимияти органлари тизимини **билиши** керак.

Тингловчи:

- билимларни мустақил тўлдириб бориш;

- билим олишда ахборот коммуникацион технологиялари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш;

- ўз касбий фаолиятида зарур бўлган ахборотни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлашнинг социологик ва компьютер усулларини билиш;

- фуқаролик жамияти ҳамда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанларига оид мумтоз ва замонавий концепцияларни таҳлил қила олиш;

- Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти ҳамда фуқаролик жамияти куришга оид тажрибаларни таҳлил қилиш;

- фуқаролик жамияти ҳамда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанларига оид мумтоз ва замонавий асарларни ўқиш, уларни конспект қилиш, улардаги маълумотларни гуруҳлаш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- мамлакат амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини англаган ҳолда улардан ўз касбида фойдаланиш;

- Фуқаролик жамияти. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти йўналишида “Ўзбек модели” эришаётган натижаларидан ўз ишларида фойдаланиш;

- мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини куриш бўйича ўз хулосаларини бера олиш;

- мамлакатимизнинг жаҳон бўйича эришаётган ютуқларини таҳлил қилиш

- “Фуқаролик жамияти. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” фанларининг асосий тушунчалари тизимини амалда

қўллашни, ҳокимият, унинг шакллари, кўринишлари, кадриятий жиҳатларига доир билимларни амалга тадбиқ эта олиш;

- мутафаккирларнинг қарашларини ва уларнинг назарий мероси асосларини билиш;

- фан соҳасида ўқув дастурлар, қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши,

- демократия ва унинг ривожланиш босқичлари,

- демократиянинг умумбашарий ва миллий тамойиллари,

- жамиятнинг демократлашуви жараёнлари,

- давлат ҳокимиятининг демократлаштирилиши ва модернизациялашуви,

- фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси, асосий назариялари, шакллари, объекти, субъекти, ресурслари, легитимлиги ва уларнинг турли назарий талқинлари;

- ҳокимиятнинг тузилиши, моҳияти, таркиби, асосий функциялари ва бу борадаги етакчи назарий ёндашувлар юзасидан **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонининг 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Фуқаролик жамияти. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни.

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалалари.

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожига. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ

кабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари

билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагоглари танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

2.2. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар

Дунёнинг ривожланган давлатларида таълим тизимининг ташкил этилиши. Таълимнинг Европа модели. Америка модели. Осиё модели.

Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Таълим жараёнини самарали ташкил этишда илғор таълим методикалари. Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланишига сўнгги ўн йилда ривожланган хорижий мамлакатларда ҳамда республикамизда ҳисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар. Илмий мактаблар, кашфиётлар натижаси, соҳа бўйича нашр этилган сўнгги

ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

3.2. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши.

Ахборот коммуникацион технологиялари ва уларнинг шакллари. Ахборот коммуникацион технологиялари ва уларни қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.

Ахборот коммуникацион технологиялари ва ижтимоий-гуманитар фанлар. Ахборот коммуникацион технологиялари орқали ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг самарали усуллари. Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этишда ахборот коммуникацион технологияларининг роли. Компьютерлардан фойдаланиш учун янги имкониятларнинг очилиши. Синов-ташхис ишларини компьютерлаштиришнинг истиқболлари. Ўлчов шкалалари ва маълумот турлари. Таҳлил учун маълумот манбалари. Маълумотларни ташкил этиш хусусиятлари. Статистик таҳлил режаси. Маълумотларни кодлаштириш усуллари. Маълумотларни киритиш усуллари.

Электрон жадваллардан маълумотларни киритиш. Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрни. Ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинаётган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш усуллари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузилиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилинини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг

ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

5.2. Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил.

Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланишнинг афзалликлари. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган услублар. Тизимли қонуниятлар ва ўзини-ўзи такомиллаштириш. Тизимда иерархиявий алоқадорлик. Тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологиялари.

Тизимли ёндошувгадоир қарашлар таснифи. Тизимли таҳлилда фанлараро алоқадорлик ва ғояларининг узлуксиз синтези. Ижтимоий-маданий концепциялар ва тадқиқотлар йўналишлари. Илмий ёндашувларнинг қиёсий шарҳи (цивилизация ёндошув ва б.). Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили. Тизимли таҳлилда инobatга олиниши шарт бўлган омиллар: объектив омиллар, иқтисодий-сиёсий омиллар, вазиятли омиллар, геосиёсий омиллар, демографик ва бошқа омиллар. Ривожланишнинг асосий йўналишлари: революцион, эволюцион, стагнация, регресс.

Илмий-техникавий тараққиёт. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашувлар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологияси. Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш.

VI. Махсус фанлар

6.1. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий концепциялари.

Фуқаролик жамияти инсоният цивилизациясининг феномени сифатида. Фуқаролик жамияти концепциясининг тарихий ва илмий парадигмалари, эволюцияси. Фуқаролик жамияти шаклланишининг: иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослари. Шарқ ва Ғарбда фуқаролик жамияти шаклланиш концепцияларининг ўзига хос хусусиятлари (модернизм, постмодернизм, либерализм, неолиберализм, консерватизм, неоконсерватизм). Фуқаролик жамияти концепцияларининг замонавий ёндашувлари (Формацион, Цивилизацион, Модернизацион). Фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг қиёсий таҳлили. Глобаллашув даврида фуқаролик жамияти концепцияларининг ўзгариш динамикаси. Фуқаролик жамияти қарор топишида ижтимоий инновациялар.

6.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши.

Тараққиётнинг ўзбек модели ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қарор топишининг “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамият сари” тамойилининг амалий аҳамияти. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш босқичлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва маънавий негизлари. Мамлакатимизда давлат ва жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган ислохотларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базаси чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналишлари. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги таъминлаш-фуқаролик жамиятининг олий демократик қадрияти сифатида. Фуқаролик жамиятида жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва ННТнинг тутган ўрни. Номарказлашув ва фуқаролик жамияти. Фуқаролик жамияти институтларини ривожланиши ва демократлашуви. Демократик институтларни ривожлантиришда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ўрни ва аҳамияти. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари: қонунчилик ва амалиёт. “Халқ қабулхоналари”нинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти. Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш жараёнида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлиги. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ислоҳ этилиши ва ривожланиши. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалалари. Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва уни қўллаш амалиёти. Ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари. Ўзбекистонда фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари.

6.3. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси.

Халқаро муносабатларнинг умумий таснифи ва халқаро ҳамкорликда мустақил Ўзбекистоннинг ўрни. Халқаро муносабатлар ривожланишининг минтақавий ва мафкуравий омиллари. Халқаро муносабатлар тизимида халқаро ташкилотларнинг роли. Етакчи халқаро ташкилотлар: таснифи, мақсади ва вазифалари. Глобаллашув ва ахборотлашув - ҳозирги халқаро муносабатларнинг ривожланиш омили сифатида. Глобаллашув даврида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий вазифалари ва йўналишлари. Марказий Осиё мамлакатларининг интеграциявий ҳамкорлик муносабатлари. Ривожланган мамлакатларнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари ва ҳамкорлик стратегиялари. Марказий Осиё интеграция жараёнлари: тарихи, замонавий ҳолати ва истиқболлари. Марказий Осиёда иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари. Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашувида МДХ, ШХТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тутган ўрни. Ўзбекистоннинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ва уни амалга ошириш йўналишлари. Минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимини барқарор тامينлашда Ўзбекистон ташқи сиёсати тамойиллари ва ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиш динамикаси.

Стратегия ва Концепция ҳақида умумий тушунчалар. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов томонидан тадрижий таракқиётнинг миллий модели ишлаб чиқилиши. Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг янги босқичи.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий асослари ва устувор йўналишлари. Мамлакат ривожланиши стратегияларини ишлаб чиқишнинг хорижий тажрибаси. Рузвельтнинг янги курси, Дэн Сяопиннинг модернизациялаш дастури, Барқарор ривожланишнинг замонавий концепциялари. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг янги босқичидир. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг зарурияти ва муҳим йўллари. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш.

Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш.

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш,

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар. Ўзбекистон Республикасида кўп миллатли маърифий давлатчилик тажрибаси. Минтақа давлатлари манфаатларини ҳисобга олиб халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида экологик муаммоларни ҳал этиш. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;
- мавзулар бўйича тақдимотлар;
- бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон, қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

І. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

ІІ. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.

3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. 662с.

4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент. 2008.

5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

7. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

8. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.

10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.

11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 322 б.
17. Коэн Дж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. – М.: 2003. - 268 б.
18. Нишанбаева Э.З. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик тамойиллари. – Т.: Шарқ, 2015. – 172 б.
19. Мавлонов Ж.Ё. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). Монография. – Т.: Истиклол нури, 2014. - 234 б.
20. Маликова Г.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – миллий демократик институт / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - 350 б.
21. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 188 б.
22. Эргашев.И ва бошқалар. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”. Дарслик. Т.: Академия, 2005. – 420 б.
23. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Т.: Академия. 2005.
24. Азизхонов А.Т. ва бошқалар. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”. Т.: “ДИТАФ”.2001. – 364 б.
25. Бўриева М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ўқув қўлланма. Т.: ТДЮИ, 2006. – 240 б.
26. Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасидаги ислохотлар ва ҳуқуқий сиёсат: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истикболи. - Т.: “Академия”, 2010. – 322 б.
27. Алиев Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2013. -458 б.
28. Қирғизбоев М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ўқув қўлланма. Т.: Наврўз, 2015. – 522 б.
29. Ўтамуродов А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: Broch-class-service. 2016. 14 б.т.
30. Ўтамуродов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
5. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz).
6. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.

“ИШЛАБ ЧИКИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази
Директор В.Б.Исмаилов

“ ”
М.Ў.



Ўзбекистон миллий университети
Ректор А.Р.Майитдинов

“ ”
М.Ў.



Ўзбекистон миллий университети
Директор Б.Х.Эшчанов

“ ”
М.Ў.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг жорий килинишини назорат қилиш Бош бошқармаси
Бошқарма бошлиғи О.Ш.Исмоилов

“ ”
М.Ў.

201 й.